


# Узун туман ҳокимининг қарори

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ**

**СУРХОНДАРЁ  
ВИЛОЯТИ**

**узун туман  
ҳокимининг**

**қ а р о р и**



**РЕСПУБЛИКА  
УЗБЕКИСТАН  
СУРХАНДАРЬИНСКИ  
ОБЛАСТЬ**

**РЕШЕНИЕ**

**ХОКИМА УЗУНСКО  
РАЙОНА**

Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси 7-уй, Тел:0(376)447-34-65,фах: 0 (376) 447-35

2022 йил 31-март  
тумани ҳокимлиги

134-8-118-Қ/22

Узун

Туман ҳокимининг 2021 йил 30-сентябрдаги “2022 йилда Узун туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги 143-8-118-Қ/21-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21-декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг

бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиш (заҳиралаш) тўғрисида қабул қилинган қарорига қўшимча равишда ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринларини банд қилиш мақсадида

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони (иловага асосан) 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар сонидан келиб чиқиб, Узун туманида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча 3 та иш ўринлари банд қилинганлиги корхона ва ташкилотлар кесимида белгиланганлиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифаси учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ ташкил этилсин.
3. 2022 йилда Узун туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар кесимида иш ўринларини ташкил этиш рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Иловада коърсатилган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари белгиланган иш ўринлари ташкил этилишини тўлиқ таъминласин.
5. Қуйидагилар:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарорни бажармаган, шунингдек, уларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланиши;

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган иш ўринларини банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этган корхона ва ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдори 2 баравари миқдорида субсидиялар ажратилиши белгилаб қўйилсин.

6. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Дўсматов) беш кун муддатда ушбу қарор иловасида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.
7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан сўнг кучга кириши белгилансин.
8. Мазкур қарор “Боботоғ тонги” газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг веб-сайтига жойлаштирилсин.
9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:           Б.Турсунов

Узун тумани ҳокимининг

2022

йил \_\_\_\_\_ мартдаги

сонли қарорига

\_\_\_\_\_ -

**Узун туманидаги ташкилотлар бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топиш меҳнат бозорида тенг шартларда рақобат қила олмайдиган шахслар учун иш тўғрисида**

**Қ Ҷ Ш И М Ч А Т А К Л И Ф**

№	Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш оъринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар роъйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	ИНН	Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони	Олдинги йиллар ҳисобга олинган ҳолда таклиф киритилган санадан захирага қўйилган иш ўринлари сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони
1	Узун туман маданият ва спорт ишлари бўлими	200504119	56	0	1
2	4-сонли "Баҳор" мактабгача таълим ташкилоти	207087482	26	0	1
4	14-сонли "Шахло" мактабгача таълим ташкилоти	207051188	22	0	1
ЖАМИ:			104	0	3